O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ушбу сонда:
2 КЎЗА КУНИДА СИНАДИ
3 ҚОНУННИ БИЛГАННИНГ ОШИҒИ ОЛЧИ
4 "НАФСИМ МЕНИНГ БАЛОДИР..."

Инсон манфаатлари — олий қадрият

АДОЛАТ

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. ● СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА ● 2005 йил 9 сентябрь ● № 37 (533)

ДЕМОКРАТИЯ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Инсон доимо олдинга интилиб яшайди. Ўзи тасаввур қилган оламнинг барча шодликларини кўришни истайди. Ортда қолган йилларни сарҳисоб этиб, бирда шукр қилса, бирда фикр қилади. Шу маънода мамлакатимизнинг мустақилликка эришган давридан бошлаб бугунги кунгача босиб ўтган йўлларига четдан туриб назар солган киши ўтган давр мобайнида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлади. Миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз қайтадан тикланди. Юртимиз тараққиётида эркин фикрлилик асосий омил қилиб олинди.

Танланган йўлнинг нечоғли тўғри эканлигини вақт кўрсатиб, жаҳон ҳамжамияти томонидан ижобий баҳоланмоқда. Аммо Ватанимизнинг ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб бораётган мустақил сиёсатини кўролмасдан унга тош отувчилар ҳам учраб тургани сир эмас. Халқаро миқёсда кундан-кун нуфузи ортиб бораётган юртимизнинг обрўйини ерга уриш учун туҳмат ва уйдирмалардан иборат турли хил ахборотлар тарқатилмоқда. Мамлакатимизга қарши эълон қилинаётган бундай ахборот хуружи замирида қандай мақсадлар ётганлигини, уни кимлар бошқариб, қайси кучлар маблағ ажратаётганлигини ҳар бир юртдошимиз тушуниб етмоғи лозим. Партиямизнинг олдига қўйган асосий мақсади ҳам халқимизни ён-атрофимизда бўлаётган воқеалардан тўла хабардор қилиб, уларнинг асл моҳиятини очиб беришга қаратилган.

Истиқлолнинг 14 йиллик тўйи арафасида "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши республикамизнинг турли ҳудудларида бошланғич ташкилотлар орқали аҳолининг ижтимоий аҳволини ўрганиб чиқди. Жойларда турли хил хайрия тадбирлари ўтказилиб, адолат мезони тараққиётимиз асоси эканлигини тарғиб қилди. Шу билан бирга Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ва "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармонларини кенг миқёсда тушунтириб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Жойларда ўтказилаётган муҳокамаларда билдирилаётган фикрлар шундан дарак берадики, демократия йўлида дадил ташланган ушбу қадамлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ҳозирда партиямизнинг олдида амалга оширилиши лозим бўлган масъулиятли ишлар бисёр. Ҳар бир қилинадиган ишларда халқ манфаатини дастуриламал қилиб фаолият юритиш бизнинг бурчимиздир.

Хуршид НОРҚУЛОВ,
"Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши таҳлилий ишлар бўйича бўлим йўриқчиси

ОЛТИН КУЗ САХОВАТИ

Ўлкамизда сепини кўз-кўз қилиб, саховатли олтин куз ўз шукуҳини ёймоқда. Бугун файзли ва тароватли қишлоқларимизнинг қай бирида бўлманг, миришкорларнинг тотли ноз-неъматидан баҳраманд бўласиз, бетакрор заминимизнинг саховатию бободеҳқоннинг шижоати ва меҳнатига тасаннолар айтасиз.

Тайлоқ туманидаги Садриддин Айний ҳамда Жумабозор ширкат хўжаликларида ҳам шу кунларда сабзавот ва мевалардан мўл ҳосил етиштирилди. Бу деҳқонларнинг мева-сабзавотчиликда истиқболли ва серҳосил навларни яратиш борасида Самарқанд Давлат қишлоқ хўжалиги институти олимлари билан олиб бораётган ҳамкорлиги самарасидир. Ҳаракатда баракат деганларидек, деҳқонларнинг даромади ҳам тобора ортиб бораётир. Айни пайтда ноз-неъматлар узлуксиз эл дастурхонига етказиб берилмоқда.

Суратда: миришкор боғбон Узоқ Мансуров ва уста деҳқон Омон Ҳамдамовлар ўзлари етиштирган ноз-неъматлар чўғидан хурсанд.

З. ТЎРАҚУЛОВ
олган сурат

Дил изҳори

Ватанни сев, тупроғини ўп,
Ҳар қаричи муқаддас бизга.
Чўлидаги ҳатто қуруқ чўп,
Жондан яқин юрагимизга.

Ватан ҳақидаги бу каби содда, бироқ гўзал ташбеҳлар она юртга муҳаббатни жўш урдиради. Тупроғидан дуру гавҳар унадиган, сахий қуёш саховатини аямайдиган табаррук замин Ўзбекистон — ҳар биримизга қутлуғ Ватандир. Унинг тарих зарварақларига битилган ўтмиши ва улуғвор келажаги бор. Олтин ҳарфлар битилган қутлуғ куни — Мустақиллик не-не аждодларга орзу бўлган эди. Ўзини мустақил юрт фарзандиман деб билгувчи ҳар бир инсон қалбига энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллик айёми ўзгача фахр ва ғурур бахш этади.

ЮРАКДА БИТИЛАГАЙ ВАТАН СУРАТИ

Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида байрам шукуҳи кезиб юрибди. Юртимиз мустақилликка эришганига 14 йил тўлди. Тарихан қисқа шу фурсат ичида қўлга киритилган ютуқлар, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ғоят салворли. Бу ҳақда шу заминда яшаб меҳнат қилаётган юртдошлардан эшитишнинг гашти бошқача.

СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ

София БОЛТАЕВА, шифокор: — Истиқлол йилларида тиббиёт соҳасида юз бераётган ўзгаришларни ҳар бир қадамда ҳис этиб турибмиз. Инсон ва унинг саломатлигини асраб-авайлаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Ўтиб бораётган йилларнинг берилган номларидан ҳам буни яққол кузатиш мумкин. Жумладан, «Оналар ва болалар», «Соғлом авлод» жорий йилни эса «Сиҳат-саломатлик йили» деб аталгани фикримизнинг далилидир. Айни шундай ниятларга боғланган амалий ишлар жисмонан соғлом, ақлан теран авлодни — юртимизнинг эртасини белгилаб беради.

Доя сифатида ҳар гал эндигина туғилган чақалоқларни кўрганимда уларнинг соғ-омон дунёга келганидан бир севинсам, эртага вояга етиб нафақат ота-онасининг, балки юртининг ҳам таянчи, суянчи бўлишини кўз олдимга келтириб яна қувонаман. Мустақиллигимиз боқий экан, бу эзгу орзулар, албатта, амалга ошади. Зеро, она ҳамиша фарзанди иқболи ва камолини кўришни истайди. Мен Ватанни ана шундай меҳр-шафқати зиёда Она тимсолида кўраман.

Мустақиллик йилларида шахсий ҳаётимда ҳам кўплаб қувончли воқеалар рўй берди. Фарзандларимнинг бахти, улар кўнглидаги орзуларининг ушалиши менга чексиз бахт, шодлик улашди.

Улуғ байрам барчамизга муборак бўлсин! Истиқлолимизнинг тароватн кириб борган ҳар бир хонадонга кетмас бахт ва туганмас шодлик доимий ҳамроҳ бўлсин.

ШУКРОНАЛИК

Мурод САМАДОВ, нафақахўр: — Олтмиш ёшни қоралаганимда юртимиз мустақил деб эълон қилинганди. Ўшанда Юртбошимизнинг Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини эълон қилганини эшитиб, кўзимдан ёш чиқиб кетган эди. Ўша кезлари ортда қолган умрим кўз олдимдан бир-бир ўтган. Истиқлолдан баҳраманд бўлиш менга ҳам насиб этганига шукрона келтиргандим.

(Давоми 3-бетда)

Футбол

ЎЗБЕКИСТОН БАҲРАЙН

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

ТАФСИЛОТ, ТАҲЛИЛ, ХУЛОСА

Бугун барча футбол мутахассислари ва мухлисларининг нигоҳи Ўзбекистонга қаратилган. Чунки 3 сентябрь куни 2006 йилда Германияда футбол бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионати саралаш босқичидаги Ўзбекистон ва Баҳрайн терма жамоалари учрашувида жаҳон футболи тарихида кузатилмаган воқеа юз берди.

3 сентябрь... «Пахтакор» марказий стадиони ўйин бошланишига бир неча соат қолганига қарамай мухлислар билан тўлган. Учрашув бошланадиган вақт — 18:05 га бориб, олтмиш мингга яқин томошабин ўз жойини эгаллаган, сиғмай қолганлар эса стадион девори ортидан ўйинни кузатишга шай турганди.

(Давоми 4-бетда)

Эътироф

Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунлариданоқ миллий манфаатларга мос келадиган пухта ташқи сиёсий йўлни белгилаб олди ва жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Хорижий мамлакатлар билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа соҳаларда мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Мамлакатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсати унинг жаҳонда мустақил давлат сифатида тезда эътироф этилишини таъминлади. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини дунёнинг 200 га яқин мамлакати тан олди.

ДУНЁДА ЎЗ ЎРНИМИЗ БОР

Ҳозир Тошкентда 60 га яқин хорижий мамлакатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият юритмоқда. Дунёнинг 30 дан зиёд давлатида элчихоналаримиз ишлаб турибди. Ўзбекистон Германия, Франция, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг ишончли ҳамкоридир.

Хорижий мамлакатлар Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга доимо интилиб келган. Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатлар ўртасида учта давлат ташрифининг амалга оширилгани фикримиз исботидир. Жанубий Корея президенти Но Му Хённинг юртимизда, давлатимиз раҳбарининг Хитой Халқ Республикаси ҳамда Ҳиндистонда давлат ташрифи билан бўлгани, шунингдек, Покистон раҳбари Парвез Мушаррафнинг меҳмондўст ўзбек заминига ташрифи, Ўзбекистон Президентининг Словения Республикаси, Россия Федерациясига ташрифлари мамлакатлараро муносабатлар янада мустаҳкам асосга қурилаётганидан далолатдир. Ушбу ташрифлар самараси ўлароқ таълим, маданият, иқтисодиёт, сайёҳлик ва бошқа кўплаб соҳалар бўйича икки томонлама келишув ва битимлар имзоланди. Бу эса республикамизга янада кўпроқ хорижий сармояларнинг кириб келишига, чет эл ишбилармонларининг катта қизиқишига сабаб бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан мамлакат иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этишга катта аҳамият берилаётир. Шу йилнинг биргина июн ойида Президентимизнинг тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қатор фармон ва қарорлари соҳа ривожи учун кенг имконият яратди.

(Давоми 3-бетда)

Одамийлик ҳақидаги ибратли ҳикоят ва ривоятларни мутолаа қилишни, уларни маънавий бисот сифатида тўплаб юришни яхши кўраман. Бундайин дуру гавҳарлар қалб тўрида, эъзоз-эътибори кўнгилдалиги боис садафдек тоза туради.

МЕҲМОН КЕЛСА ЭШИКДАН...

ёхуд асл ўзбекона фазилат хусусида

Яқинда бисотим яна битта шундай маржон билан бойиди:

«— Меҳмонлар келди, битта товуқ сўяйми? — деб сўрабди ўғил отасидан.

— Уларни ўзинг чақириб келдингми ёки ўзлари сўраб келишдими?

— Ўзлари сўраб келишди.

— Унда отни сўй, — дебди отаси».

Узоқ хаёлга толдим. Ҳамиятли, саховатли отанинг ҳотамлигидан ҳайратга тушдим. Ривоятга сингган иссиқ меҳр тафтини туйдим.

Тўкин дастурхон атрофида ўн чоғли одам суҳбат қурмоқда. Мавзу — шукроналик, тансиҳатлик, фарзандлар бахту камоли, меҳриоқибати, юртнинг, элнинг тинчлиги, барқарорлиги. Меҳмонларга от сўйишни буюрган оқсоқол, аҳён-аҳён гапга қўшилади. Кўнглида ўғлининг дўстлари одамохунлиги, сўзларида мантиқ мағзининг тўқлиги, энг муҳими, ташриф оқибати хайрли эканлиги тасаллисидан қониқиш ҳисси. Юрагида афсус йўқ, севинч бор! Ачиниш йўқ, суюниш бор! От топилади, садоқатли дўст топиш мушкул. «Дарвозангни тақиллатиб сўраб келган дўстдан борингни аяма. Шунда худонинг яхши кўрган бандаси бўласан, ўғлим!»

Уйимизга меҳмон келган кунлари ярим оқшом бўлса-да, бироз ухламай туришимни бот-бот уқтирарди раҳматли отам. Сабаби дастурхонга фотиҳа ўқилгач, офтобада илиқ сув, чоғроқ дастшўй тутиб, елкага сочиқ ташлаб меҳмонларнинг қўлига бир-бир сув қуйиб чиқардим. Эҳ-ей, «отанга раҳмат»лар ёғиларди менга. Отам шодланарди бу миннатдорчиликлардан. Меҳмонни кўнглидагидек таомлар пишириб кутган онамни алқарди, «маликам» деб эркаларди. Онам чарчоғини унитарди.

— Уйингда меҳмон бўлса, мушугингни «пишт» дема, — дерди Ўроқ бобом. — Кўнглига малол келиши мумкин.

Қаранг, меҳмоннавозлик одоби қанчалик нозик санъат! Меҳмоннинг келиши ўзидан, кетиши уй соҳиби ризолиги билан. Меҳмоннинг кўнглини тоғ қилади бу илтифот. У ташрифидан ризолик сезади.

— Баъзи инсонлар турмушдан нолийди, бу ёмон одат, — дейди кекса деҳқон Эрмамат Шодиев. — Сен бирни берсанг, худо сенга мингни беради, десанг елка қисишади. Улар шу бугун берганини эртагаёқ ўн ҳисса қилиб қайтариб олишни ўйлашади. Шулардан биттасини биламан. «Меҳмон келса эшикдан, ризқи келар тешикдан» деган нақлни эшитса безбетларча кулади. Хайр-эҳсон нималигини билмайди. Иши юришмай қолса аламини ичиликдан олади. Фарзандлари ҳам «қуш уясида кўрганини қилади» қабилида ўсаётир.

— Яхши меҳмон оиланинг обрўйи, — дейди нафақахўр Бекмурод бобо. — Яқинда қишлоқдошимиз Баҳодир полвон ўғилларини суннати қилди. Тўйга машҳур полвон, Европа ва Жаҳон чемпиони Собир Қурбонов келди. Қишлоғимизнинг номини улуғлади. Баҳодир полвоннинг отаси Жума бобонинг севинганини айтмайсизми! Собир полвоннинг елкасига тўнни ўз қўли билан ёпди. Дошқозонда ош дамланди. Меҳмон кўп келди, кураш қизигандан қизиди. «Кенга — кенг дунё» деб шуни айтсалар керак.

Қишлоқдошимиз Бақо тоға Холиқовнинг миллати қозоқ, аёли Ҳушвақт буви ўзбек қизи. Йилида энг камида икки марта бу хонадон ҳафталаб меҳмон кутади. Чўлдаги қозоқ қардошлари кўчиб келади. Бақо тоға мол сўяди, бешбармоқ товоқларга сузилади. Меҳмоннавозликдан чўкиб қолади, деб ўйларсиз бу хонадонни. Аксинча, уй соҳибининг чеҳраси очилиб бораверади.

— Яхши меҳмоннинг ризқи ўзи билан келади, — дейди Бақо тоға кулимсираб. — Меҳмонлардан ортган қўй-қўзи қўтонда ўзидан-ўзи кўпаяверади. Чунки кўнгли пок, нияти холис меҳмоннинг файзи бўлади. Яхши меҳмоннинг иззат-ҳурмати яхши қариндошникидан кам эмас. Яхши меҳмон бора-бора қариндош ҳам бўлиб кетиши мумкин. Қиз олиб қиз узатиш ниятлари ана шундай синалган оила гурунгларида туғилади.

Меҳмонга боришнинг, меҳмон кутишнинг ўз одоби бор. Бу одоб гўзал инсоний сифатлар билан зийнатланган — асл ўзбекона фазилат!

«Эй фарзанд, — дейилади «Қобуснома»да, — ҳар куни бегона одамларни меҳмон қилмагил, чунки ҳар кун меҳмон чақирсанг, меҳмонга лойиқ ишларни кўнглинг тўлгунча қила олмайсан... Меҳмонлар сенинг уйингга қадам қўйсалар, сен ҳар вақт барча одамларинг билан уларнинг олдиларига чиққил, яхши сўз билан қарши олгил, токи улар сенга миннатдорчилик билдирсинлар. Агар мева вақти бўлса, таом емасдан аввал мева келтиргил, маза қилиб есинлар. Бир неча вақт сабр қил, сўнгра овқат келтир.

Меҳмонлар бир-икки сўрамагунларича сен ўтирма. Меҳмонлар: «Бизлар розимиз, ўтир», десалар, «Мени қўйинглар, сизларга хизмат қилайин», деб айтгил. Агар яна такрор айтсалар, ундан кейин ўтир. Уларнинг розилигини олгил ва ҳаммадан пастда ўтиргил.

(Давоми 4-бетда)

✓ Тадбир

Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллигини муносиб кутиб олиш учун "Адолат" СДП томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар партиянинг вилоят, туман, шаҳар бошланғич ташкилотлари томонидан кенг миқёсда амалга оширилди. Партия фаолларининг ташаббуси билан жойларда байрам тадбирлари уюштирилиб, хайрия дастурхонлари ёзилди, кам таъминланган ҳамда меҳрга муҳтож юртдошларимизнинг ҳолидан хабар олиниб, байрам совғалари топширилди.

УЛУҒ АЙЁМ НАШИДАСИ

Гулистон шаҳрининг "Маънавият ва маърифат" марказида бўлиб ўтган учрашув ҳам халқимизнинг ана шу улуғ ва қутлуғ байрамига бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фракцияси аъзолари ва Сирдарё вилояти партия Кенгаши фаоллари иштирок этишди.

Учрашувда "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Дилором Тошмуҳамедова мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ҳақида батафсил тўхталиб, йиғилиш иштирокчиларини улуғ айём билан самимий табриклади. Нотиқ ўз сўзида партиямиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам гапириб, партия фаолиятини янада жонлантириш зарурлигини таъкидлади. Учрашув сўнггида партия томонидан вилоят болалар шифохонасига ва Гулистон шаҳри халқ таълими бўлимига қарашли болалар боғчаларига байрам совғалари тортиқ қилинди. Партия ташаббуси билан Гулистон шаҳридаги "Гўдаклар уйи"да ва "Оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш" махсус марказида ҳам байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда кам таъминланган оила фарзандларига ширинликлар ва беморларга дори-дармонлар тарқатилди.

Самарқанд вилояти Пахтачи тумани Кенгаши ташаббуси билан тумани марказий касалхонасида ўтказилган тадбирда меҳнат ва уруш фахрийларига байрам дастурхони ёзилди.

Фарғона вилояти Кенгаши ва Ўзбекистон байналминалчи-жангчилар бирлашмаси вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда ҳам жангчи фахрий ва ногиронларга ҳамда Афғонистон уруши қатнашчилари оила аъзоларига байрам дастурхони ёзилиб, совғалар улашилди.

Бухоро вилояти Жондор тумани Кенгаши ташаббуси билан туман марказий касалхонасида мустақиллик байрами кенг нишонланди, ходимларга эсдалик совғалари топширилди.

Жиззах вилояти Қенгаши саъй-ҳаракати билан 29-сонли Меҳрибонлик уйида байрам тадбири ўтказилиб, 102 нафар тарбияланувчиларга хайрия дастурхони ёзилди ва ширинликлар совға тариқасида улашилди.

Ҳа, озод юртга байрам ярашади. Ўлкамиздаги байрам шукуҳи юртимизни ҳеч қачон тарк этмасин.

✓ Фаолият

ИШ САМАРАСИ – ҲАРАКАТДА

Ҳар бир сиёсий партия халқ орасида обрў-эътибор қозонишга ҳаракат қилиши табиий ҳол, албатта. Бунга эса халқ, Ватан манфаати йўлида фидокорона меҳнат қилиш, элим деб, юртим деб ёниб яшаш орқали эришилади.

Вилоят партия Кенгашининг пленумида Кенгашнинг биринчи котиби этиб сайланганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Партиямиз фаоллари билан кенгашиб, бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш, кучайтиришга эътибор қаратдик. Ўрганишларимиз натижасида 13 та ташкилотдаги мавжуд партия бошланғич тузилмаларининг аксариятида ишга юзаки ёндошилаётганлиги маълум бўлди. Улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди. "Андижонсувоқова" ҳиссадорлик жамияти, шаҳар меҳнат бўлими ва вилоят Давлат архиви сингари ташкилотларда эса иш намунали йўлга қўйилган.

Саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, кейинги пайтда партия ишида ўзаро якдиллик, бирдамлик, мустаҳкам ҳамкорлик кўзга ташланмоқда. Шунинг натижасида аҳоли ўртасида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар зўр уюшқоқлик билан ўтказиляпти. Масалан, шаҳримиздаги "Ёрбоши", "Тўққиз ўғил" маҳаллаларида бўлиб ўтган учрашувлар кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди. Уларда хотин-қизлар ва ёшларнинг фаол иштироки бизни ғоят қувонтирди.

Партиямиз аъзолигига қабул қилинаётганлар сони сезиларли равишда ортиб бормоқда. Бу ҳам қизғин олиб бораётган ишларимиз самарасидир. Хуллас, халқ эътиборини қозониш, муносиб мавқега эга бўлиш йўлида бор имкониятни ишга солиб, ҳаракат қилаверамиз.

Мамлакатхон САИДХЎЖАЕВА,
"Адолат" СДП Андижон шаҳар Кенгашининг биринчи котиби

✓ Ўлкамизда байрам шукуҳи

МУСТАҚИЛЛИК — ОЛИЙ НЕЪМАТ

"Адолат" социал-демократик партияси Чилонзор тумани Кенгаши ва "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамкорлигида А.Хлебушкина номли 22-Меҳрибонлик уйида "Мустақиллик — олий неъмат" мавзусида хайрия тадбири уюштирилди. Унда меҳрибонлик уйида тарбияланаётган етти ёшдан ўн етти ёшгача бўлган 108 нафар ўғил-қизлар иштирок этишиб, ўзларининг рақс ва саҳна кўринишларини намойиш этишди.

Йиғин сўнггида тадбир ҳомийси "Фармед" хусусий фирмасининг ширинликлари болажонларга совға тариқасида улашилди.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги "Чиғатой Оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Мўминов партиямиз фидойиларидан. Унинг ташаббуси билан маҳаллада бошланғич партия ташкилоти тузилган.

Хайрулла Мўминов партиямиз Низоми ва Дастурларини кенг халқ оммасига тарғиб қилиш, турли тадбир ва учрашувларни ўтказишда ташкилотчилик фазилатларини намоён этиб келаётир. Шу билан бирга маҳалла ободлиги, осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ўта масъулиятли ишларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Партиядошимизнинг халқ фаровонлиги, маҳалла-кўй ободлиги ва тинчлиги йўлидаги амалга оширган таҳсинга сазовор ишлари муносиб тақдирланди. У Президентимиз Фармонига мувофиқ "Шуҳрат" медали билан мукофотланди. Халқ хизматида ҳеч ҳам ҳорманг, азиз сафдош!

БОЛАЖОНЛАРГА СОВҒАЛАР

Республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида истиқлолимизнинг 14 йиллик байрами муносабати билан турли учрашувлар, мулоқотлар, байрам кечалари ўтказилмоқда. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани «Сағбон» гузари тўйхонасида ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур хайрия тадбири «Адолат» социал-демократик партияси туман Кенгаши ҳамда «Маданият ва маърифат» маркази саъй-ҳаракати билан уюштирилди. Унга қаровчисини йўқотган 50 нафар ўғил-қиз таклиф этилди.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими томонидан байрам совғаси сифатида тарқатилган турли хил ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар болажонларни хушнуд этди. «Ойбек» маданият уйи санъаткорларининг ажойиб чиқишлари кечага янада файз бағишлади.

✓ Фахр

ШАҲРИМ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Мен Президентимизнинг "Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини қувонч билан кутиб олдим. Қарорда шаҳарнинг 2700 йиллигини умуммиллий байрам даражасида нишонлаш, буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳазратларининг 670 йиллигига тайёргарлик ишларини уйғун ҳолда олиб бориш алоҳида таъкидланган.

Она шаҳримга сим қоқиб, таниш-билишларимни, яқинларимни табрикладим, ғуруримга яна ғурур қўшилди. Мамлакатимиз, юртдошларимиз ҳаётида содир бўлаётган бундай улкан воқеалар фақат мустақиллик, истиқлол шарофати эканлигини юракдан ҳис этдим.

Очиғи, бугун Қарши шаҳрининг инсоният цивилизациясида тутган ўрнига ҳаққоний баҳо берилди. Бу кўҳна заминнинг бой ва гўзал тарихи жаҳоннинг энг нуфузли ташкилотлари ва илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда.

Биз яқин-яқингача Қарши шаҳри тарихи ҳақида деярли ҳеч қандай маълумотга эга эмас эдик. Талабалик йилларимизда Қарши деганда фақат саҳрони, чўлни тушунувчилар кўпчиликни ташкил этиши ҳозир ҳам эсимда. У пайтлари Қарши шаҳрининг жаҳон тараққиётида тутган ўрни, шу заминда етишиб чиққан юздан ортиқ Насафийларнинг инсоният маданияти, илм-фан ривожида улкан ҳиссаси борлиги ҳақида ҳеч нарса билмас эдик.

Фақатгина шаҳар марказида Регистон, Бухоро амирининг қароргоҳи ва катта боғи бўлганлиги, илм-маърифатли аждодларимиз томонидан бир неча аср муқаддам қурилган Бекмир, Абдулазизбой, Шарофбой мадрасалари, Кўкгумбаз масжиди, Эски кўприк ва ҳар баҳорда тўлиб оқадиган Қашқадарёни билан эдик, холос.

Истиқлол, озодлик шарофати билан бугун шаҳримиз тарихини, кўҳна дурдоналарини тўла-тўкис ўрганаяпмиз. Ҳар доим киндик қоним тўкилган, болалигим ўтган она шаҳримга интилиб, талпиниб яшайман. Ҳар гал она шаҳримга борганимда улкан бунёдкорлик ишлари ва ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан.

Шу кунларда Қарши шаҳрига ташриф буюрган киши ўзгаришлардан ҳайратга тушиши турган гап. Гулзорга, гўзал хиёбонга айлантирилган Мустақиллик майдонида олиб борилаётган таъмирлаш ишлари, уч минг ўринли стадион, парк ва хиёбонлар, турар-жой бинолари, йўллар, янгидан чирой очаётган тарихий меъморчилик обидалари фикримизнинг яққол далилидир.

Яқин-яқингача шаҳарда бунчалик катта ҳажмда бунёдкорлик ишлари олиб борилмаган эди. Албатта, бу улкан, хайрли ўзгаришлар ҳамшаҳарларимизнинг, қўли гул усталарнинг беҳаловат, машаққатли кунлари эвазига амалга оширилянти. Бу тарихий бунёдкорлик ишларида иштирок этишнинг ўзи фахрли. Биз ана шундай шаҳарнинг садоқатли фарзандлик меҳри билан сева олишимиз шарт эканлигини бугун кун сайин ўзгариб бораётган давр ва замон талаб этмоқда.

Шаҳримизнинг бой ва такрорланмас тарихи, айнан шу ерда Буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг ўзбек давлатчилигига асос солганлиги билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди. Улуғ байраминг муборак бўлсин, она шаҳрим Қарши!

Собир ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги «Сиҳатгоҳ» санаторий-профилакторийсида хайрия тадбири бўлиб ўтди.

«Адолат» СДП туман Кенгаши ва «Дўстлик» маҳалласи ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирга асосан кам таъминланган оилалар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлар таклиф этилди. Йиғинда Олий Мажлис депутати, партия фракцияси аъзоси Исмоил Саифназаров қатнашиб, мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари тўғрисида маъруза қилди.

Тадбир қатнашчиларига ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари улашилди. Шунингдек, уч нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига алоҳида эҳтиром кўрсатилди. Туман маданият уйи санъаткорларининг жозибали куй-қўшиқлари давра файзига файз қўшди.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони билан мукофотланганлар орасида партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияси аъзоси Юсибжон Нишонов ҳам бор.

Юсибжон Нишонов узоқ йиллар мобайнида тиббиёт соҳасида самарали фаолият юритди, минглаб беморлар дардига дармон бўлди. Жонбозлиги, ҳалол меҳнати билан эл-юрт назарига тушди, обрў қозонди. Айни пайтда Юсибжон Нишонов Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси сифатида қизғин фаолият юритмоқда. Унинг бу хизматлари "Меҳнат шуҳрати" ордени билан муносиб тақдирланди. Мукофот муборак бўлсин, Юсибжон ака!

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши

ЭҲТИРОМ



Худди ана шундай тадбирлардан яна бири республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида ташкил қилинди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Тошкент шаҳар касаба уюшмаси Кенгаши, Собир Раҳимов тумани партия Кенгаши тадбир ташаббускорлари бўлишди. Тадбирда пансионатда яшаётган қариялар, шунингдек, маҳаллаларда истиқомат қилувчи 63 нафар қаровчисини йўқотган уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этди. Йиғин сўнггида партия туман кенгаши томонидан дастурхон ёзилиб, 170 нафар нуронийга совғалар топширилди.

А.СУЮНОВ,
«Адолат» мухбири

Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар

ТЎЙЛАР ТЎЙГА УЛАНМОҚДА

Юртимизда ҳамон байрам шукуҳи кезиб юрибди. Жойларда хайрия тадбирлари уюштирилиб, концерт дастурлари намойиш этилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Ромитан туманининг "Ҳамза" маҳалласида бўлиб ўтди. Мазкур шодиёнага маҳалланинг барча аҳолиси таклиф этилиб, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Саховатпеша ташкилотлар кўмаги билан шу маҳаллада яшовчи кам таъминланган оила фарзандлари Азаматжон Очилов ва Суннатжон Сайдуллаевларнинг суннат тўйлари ўтказилди. Байрам дастурхонининг тўкин-сочин бўлишида ҳомий ташкилотлар — Ромитан тумани халқ таълими бўлими, "Миллий банк", "Пахтабанк" мутассаддилари бошқош бўлдилар.

Шундай эсда қоларли байрам кечаларидан яна бири туман марказидаги "Гулистон" маҳалласида бўлиб ўтди. Кечага ташриф буюрганларга хайрия дастурхони ёзилди.

Д.ЖАББОРОВ,
"Адолат" мухбири

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ишбилармонлик ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган юртдошларимизга ўз фаолиятини эркин амалга оширишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Шу боис юртимизда тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПДИ

Шоли курмаксиз бўлмаганидек, орамизда яширин йўллар билан мўмай даромад қилиш илинжида юрган сохта тадбиркорлар ҳам учраб турибди. Бу албатта, солиқ тушумларининг ўз вақтида давлат бюджетига тушишини таъминлашга, қолаверса, адолатли қонунларимиз асосида фаолият юритаётган тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси яширин равишда ишлаб чиқариш ва савдо фаолияти билан шуғулланиб келаётган бир неча "уддабурон"ларнинг фаолиятига чек қўйди. Шайхонтоҳур туманида яшовчи Абдулазиз Исмоилов қонунга хилоф равишда ўзининг ҳамтовоқлари Лутфулла Хидиров, Жасур Ашуровлар билан тил бириктириб, қўлбола алкогол маҳсулотлари тайёрлаб, уларни сотиш билан мунтазам равишда шуғулланиб келишган. Уларнинг яширин цехидан акциз маркасиз 304 минг сўмлик тайёр вино, 90 минг сўмлик қўлбола арақ, 60 литр спирт маҳсулотлари сотишга тайёрлаб қўйилгани маълум бўлди. Шунга айтсалар керак-да, кўза кунда эмас, кунида синади, деб.

Қонун ва қоидаларни ҳам четлаб ўтувчи устаси фаранг "тадбиркорлар" қўлбола алкогол маҳсулотларини Учтепа тумани Дўстлик маҳалласидаги озиқ-овқат ва Чилонзор тумани Қизил Шарқ мавзесидаги савдо дўконларининг сотувчиларини ҳам ўзларига шерик қилишга улгуришибди.

Жумладан, Чилонзор тумани Қизил Шарқ мавзесидаги дўкон сотувчиси ана шу спиртли ичимликларни харидорларга назорат-касса машинаси чекини бермасдан истеъмолчиларга пуллаётганида "тумшуғи"дан илинди. Дўкон савдо фаолияти билан қизиққанимизда 166 минг 825 сўмлик 64 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг тегишли ҳужжатлари бўлмаганлиги, бундан ташқари, дўконда ўрнатилган назорат-касса машинаси бирорта ваколатли идорадан рўйхатдан ўтмасдан хўжакўрсинга қўйилганлиги аниқланди.

Бошқармамиз томонидан аҳоли ўртасида солиқ қонунчилигини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш борасида ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини бермоқда. Аҳолидан олинган тезкор маълумотлар асосида жорий йилда 20 га яқин қўлбола спиртли ичимликлар тайёрлайдиган яширин цехлар аниқланиб, 52 миллион 897 минг сўмлик товар моддий бойликлар ва асбоб-ускуналар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Дарҳақиқат, адолатли қонунларимизни четлаб ўтиб, мўмай даромад қиламан деганлар қаттиқ адашади. Кўриб турганингиздек, бундай "устамон"лар ҳам бор бойлигидан, ҳам эл-юрт ичида мисқоллаб йиққан обрўйидан айрилади.

Илҳом ЁРИЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖККБ Суриштирув бўлими бошлиғи

Давлат корхоналарини акциядорлик жамиятига айлантириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида республикамиз ҳукумати томонидан бир неча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Биргина "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни фермер хўжалиги ҳамда хусусий тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар фикримизнинг яққол далилидир.

Мен 1982 йилдан буён "Навоийдонмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамиятида ишлайман.

Иш фаолиятим даврида бирон марта ташкилот ва жамоа мулкига хиёнат қилмаганим боис акциядорлик жамияти кузатув Кенгашига аъзо бўлиб сайландим. Бу орада ҳукуматимиз яратиб берган имкониятлардан кенг фойдаланиб, "Фахри — 2000" фермер хўжалигини ташкил этдим. Ўша йили "Навоийдонмуҳсулотлари" ОАЖга тегишли 3117 дона акцияларни ПИФ "Варахша", "Элсис" савдо палатасидан сотиб олдим. Бу акциялар жамият низом жамғармасининг 3,39 фоизини ташкил этади. Шу орада корхона раҳбарияти қўлимдаги акциялар пайига тушди. Ва акциялар олди-сотди шартномасини бекор қилиш учун ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан, хўжалик судига мурожаат қила бошлади.

Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди, деганлари ҳақ экан. Шу йил 10 июн куни "Фахри — 2000" фермер хўжалиги билан "Варахша" хусусийлаштириш инвестиция фонди ўртасида 2000 йил 26 июлда тузилган олди-сотди шартномаси, шунингдек, фермер хўжалигим билан "Навоийдонмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти ўртасида 2001 йил 15 августда тузилган 4317 та акцияларни олди-сотди шартномаларни сотиш ва сотиб олишда ҳеч қандай қонунбузилишларга йўл қўйилмаганлиги аниқланиб, иш бизнинг фойдамизга ҳал этилди.

Самарқанд вилояти хўжалик суди хусусий тадбиркорлар О.Ашуров ва С.Юнусовларнинг акцияларини қонуний эканлигини, уларнинг акцияларга эгалик ҳуқуқини тиклаб берди. Ҳуқуқий демократик жамиятимизда қонун устувор бўлганлиги учун биз акциядорлар ўз акцияларимизни қўлимизда сақлаб қолдик. Албатта, бу акциялардан келадиган даромадларни эл-юрт манфаати йўлида сарфлаймиз.

Нормурод ТИЛАВОВ,
"Навоийдонмаҳсулотлари" ОАЖ акциядори

Адолат мезони

КЎЗА КУНИДА СИНААИ

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

"Адолат" социал-демократик партияси Андижон вилоят Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда асосан партия ва унинг бошланғич ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, шунингдек, янги аъзо бўлаётганлар сафини кенгайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Кенгашнинг хулосаси ва сайлов натижасига кўра Андижон давлат тиббиёт институтининг доценти Муҳаммадшукур Юсупов вилоят кенгашининг иккинчи котиб этиб сайланди.

Йиғилиш якунида бокс ва миллий кураш бўйича Избоскан, Қўрғонтепа туманларида "Адолат" СДП вилоят кенгаши соврини учун мусобақалар ўтказиш режалаштирилди.

Партия томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар асосида вилоятдаги Обод, Ифтиқор, Деҳқонобод, Маданият маҳаллаларида яшовчи кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилиб, "Саховат" уйида қаровсиз қолган қарияларга хайрия дастурхони ёзилди.

Тўлқин СИДДИҚ,
"Адолат" мухбири

Ҳуқуқ

Қонунни билганнинг ошиғи олчи

Йўлим тушиб қишлоққа борганимда дўстларимдан бири нолиб қолди: "Мана сен журналистсан, менга айт-чи, фермер хўжалиги тузишим учун қандай ҳужжатлар тайёрлаш керак?" Мен унга ўзим билганча тартиб қоидаларни тушунтиришга ҳаракат қилдим. У гапимни бўлмай эшитди. Фақат хайрлашаётиб: «Мен ҳам сен айтган нарсаларни биламан, афсуски, ҳаммаси сен ўйлаганча эмас...».

Унга таниш-билиш орқали эмас, балки қонун асосида ҳаракат қилиш лозимлигини айтдим, қонун ҳамиша сиз томонда, деб уқтиришга ҳаракат қилдим. «Аввал қонунларни ўрганинг. Кейин улар асосида, ҳақ-ҳуқуқларингизни ҳимоя қилаверасиз», дедим. Дўстим маъқуллаган бўлдию, лекин юзидаги истеҳзодан билдимки, айтган гапларимдан кўнгли тўлмади. Яқинда борганимда дўстим билан яна учрашдик. Кайфияти аъло, қучоқлашиб кўришдик. Қайта-қайта қўлимни сиқар экан, миннатдорчилик билдирди:

— Тўғрисини айтсам, қонунни ўрганинг, деганингда хафа бўлган эдим. Бизнинг онгимизга ҳамма нарса таниш-билиш билан битади, деган фикр сингиб қолган экан-да. Шунинг учун ўшанда сендан ёрдам сўраган эдим. Кейин, сен айтгандек, қонунларни ўрганишга киришдим. Фермер хўжалиги туздим. Ер, банкдан кредит олдим. Мол қилдим. Бугун, худога шукр, ҳеч кимдан кам жойим йўқ. Қишлоқнинг олдиман. Қонунни яхши билсанг, таъмагирлар йўлингга тўсиқ қўйиша олмас экан. Қонун бўйича ҳақ-ҳуқуқингни талаб қилсанг, ҳеч ким йўлингни тўғаноқ бўлолмайди, қонунни билганнинг ошиғи олчи...

Дарҳақиқат, биз ҳуқуқий демократик жамият қураяпмиз ва бундай жамиятнинг асоси фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини билишдан бошланади. Бугун оддий деҳқондан тортиб зиёлигача, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси қонунни ҳурмат қилса, қонун асосида яшаса, албатта, жамиятимиз тараққиёти янада жадаллашади. Муаммоларимиз кундан-кунга камайиб, ишларимиз юришади. Ахир, менинг фермер дўстим ўз ҳаётий тажрибасида қонуний ҳуқуқини таниган одамга ҳеч ким таъмагирлик қилолмаслигига гувоҳ бўлди-ку! Шунинг ўзи оддий одамлар дунёқарашидаги ижобий ўзгаришдан далолат бермайдими?!

Таҳририятга келган, самарқандлик бир фермер билан суҳбатлашиб қолдим. Олтмишни қоралаб қолган чапанитабиат ҳамсуҳбатим кулимсираб сўз бошлади.

— Сиз ўйлаганча арз-дод билан келганим йўқ, ука. Ишларим жойида. Фермерликни бошлаганимга ҳам уч-тўрт йил бўлиб қолди. Аввалига роса қийналдик. Маҳсулот топширасиз, пулини ололмайсиз. Етиштираётганда биров сиздан ҳол сўрамайди, ўзингиз елиб-югурасиз, бироқ йиғим-теримга киришганда хўжайин кўпаяди. Энг ёмони, режани топширасан-у, ҳаққингни ололмай овора бўлиб юраверасан. Бир йил шундай сарсон бўлдим. Иккинчи йил шартнома тузаётган пайтда ҳуқуқшуносни ёллаб, шартнома шартларини ишлаб чиқдик. Ишни қатъий тарзда шартнома асосида олиб бордик. Биласизми, бирор ташкилот раҳбари мен билан тортишишга журъат қилгани йўқ. Чунки агар менинг хўжалигимнинг даромадлари ўз вақтида берилмаса уларнинг ўзлари зарар кўради-да. Вақтида ҳисоб-китоб қилишса ўзларига фойда...

Газеталарда ҳаққини ололмай овора бўлиб юрган фермерларнинг хатларига кўзим тушади. Менимча, бунга аввало, ўша фермерларнинг ўзлари айбдор. Чунки улар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини билишмайди. Шартномаларни номига тузишади. Шартнома талабларини ўрнатишга ҳуқуқий билимлари етишмайди.

Ҳа, бозор иқтисоди шароити шуни тақазо этади — қонунни бил, қонунни ўрган ва унга амал қил! Шундагина, деҳқончасига айтганда, ошиғинг ҳамиша олчи бўлаверади.

Ислом ҲАМРО,
журналист

Дунёда ўз ўрнимиз бор

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида унинг халқаро ташкилотлардаги фаоллиги муҳим аҳамият касб этаяпти. Хусусан, мамлакатимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотидаги иштироки йилдан-йил фаол тус олмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг БМТ ва бошқа нуфузли ташкилотлар анжуманлари минбаридан сўзлаган маърузалари, минтақада тинчликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари Ўзбекистонни тинчликсевар демократик давлат сифатида жаҳонга намоён этмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва БМТнинг кенг миқёсдаги ҳамкорлик алоқалари фаоллашувига давлатимиз раҳбари юритаётган одил ва изчил сиёсат асосий омил бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг умумбашарий муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ таклиф ва ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин қўллаб-қувватланаётирки, бу ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш масаласи Ўзбекистоннинг БМТ билан муносабатларида муҳим ўрин тутади. Мазкур ташкилот томонидан 1997 йил сентябрда Тошкентда «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд» мавзусида халқаро конференция ташкил этилди. Унда 56 та давлат ва 16 та халқаро ташкилот вакиллари иштирок этишди. БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари барча давлатлар Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни барпо этиш ғоясини қўллаб-қувватлашга ва уни ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашишга чақирилди.

Ўзбекистон Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти асосчиларидан ва фаол иштирокчиларидан ҳисобланади. Бу ташкилот доирасидаги ҳамкорлик минтақа муаммоларини вақтида баҳамжиҳат ҳал этиш имконини бераётир. ШҲТ ташкилот сифатида қисқа фурсатда шаклланди. 2001 йили Хитойнинг Шанхай шаҳрида олти мамлакат — Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон раҳбарлари томонидан ШҲТни тузиш тўғрисидаги декларация имзоланиб, унинг икки органи — Котибият ва Минтақавий аксилтеррор тузилмасини ташкил этишга келишиб олинган эди. Таъсис Хартияси (Низоми) эса 2002 йил Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида қабул қилинди ва шу тариқа ташкилот халқаро юридик мақомга эга бўлди.

Ўтган йили ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитига Тошкент мезбонлик қилди. Унда кўрилган масалалар орасида ШҲТ фаолиятининг икки асосий йўналиши — хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик муаммолари музокараларнинг бош мавзуси бўлди. Саммит арафасида пойтахтимизда ташкилотнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси очилди. Шу йилнинг июль ойида ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Остона шаҳрида ўтган саммитида хавфсизликни таъминлаш, террорчилик ва экстремизмга қарши кураш, Марказий Осиё умумий бозорини ташкил этиш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама рағбатлантириш, сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, ижтимоий-маданий, илмий-техникавий, транспорт алоқаларини ривожлантириш, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммоларга оид масалалар муҳокама этилди. Умуман, мазкур ташкилот доирасида унга аъзо давлатларнинг деярли барча жабҳада манфаатли алоқаси ўз аксини топди.

Мамлакатимизнинг халқаро ташкилотларда, умуман, дунёда муносиб ўринга эгалигини жаҳон жамоатчилик ҳам эътироф этиб, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларга юқори баҳо беришаётир. Демак, Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам жой эгаллашига шубҳа йўқ.

Алишер НАЗАРОВ

Суратда: (ўнгдан иккинчи) «Бинокор А» қурилиш фирмаси раҳбари Абдуманнон Толипов қурувчилар билан иш устида.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат

Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида ишга тушган иншоотлардан яна бири Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги "Ўзбекистон беш йиллиги" тажриба хўжалигида анча йилдан буён қаровсиз ётган спорт мажмуаси қайта таъмирдан чиқарилиб фойдаланишга топширилди. Болалар спортини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан ажратилган 8 миллион 200 минг сўм маблағ ушбу мажмуани таъмирлаш ишларига сарфланди.

Ҳуқуқшунослик соҳасидаги ҳамкорлик

Тошкент Давлат юридик институтида Япония ҳуқуқшунослигини тадқиқ этиш марказининг очилишига бағишланган маросим бўлди. Мазкур марказ ўзбек талабалари томонидан Япония қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш ва ўзига хос жиҳатларини бевосита япон тилида ўрганган ҳолда юртимиз ҳаётига тадбиқ этиш мақсадида ташкил этилди. Зеро, икки Шарқ ўлкасида жойлашган мамлакатларнинг турмуш тарзи, маданияти, руҳияти нуқтаи назаридан бир-бирига ўхшаш жиҳатлари кўп. Ушбу тараққий этган мамлакат ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш, унинг тажрибаси билан ўртоқлашиш ўз ўрнида талабалар учун фойдадан ҳоли бўлмайди.

Таъкидлаш ўринлики, 2000 йилда Тошкент Давлат юридик институти билан Японияннинг Нагойа университетлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланган эди. Ушбу битимда икки давлат профессор-ўқитувчи ва талабалари ўртасида доимий мулоқот назарда тутилган. Нагойа университети таклифига биноан Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчилари Японияда ташкил этилган илмий-амалий анжуманларда иштирок этди. Ҳозирда 12 нафар талаба ҳуқуқшунослик соҳаси бўйича кунчиқар юртда таҳсил олмоқда, яна бир нечтаси бакалавр ва магистр дипломларига сазовор бўлиб қайтишди.

Бир сўз билан айтганда, Япония ҳуқуқшунослигини тадқиқ этиш марказининг фаолият кўрсатиши талабаларга япон тили ва шу орқали ушбу юртнинг қонунчилик соҳаси тажрибасини ўрганиш имконини беради.

Ўйлаймизки, ушбу марказ Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстона ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, илмий, ҳуқуқий, маданий алоқаларни янги босқичга кўтаришга салмоқли ҳисса қўшади.

Алишер НАЗАРОВ

Тараққиёт

Жаҳон савдосидаги ўзгаришлар

Бугунги кунда жаҳон ташқи савдо алоқаларида туб ўзгаришлар кечаётир. Бу жараён серқирра ва ўзаро боғлиқлиги билан ажралиб туради. Маълумки, 80-йилларда Хитой ва Шарқий Европа мамлакатларида бозор иқтисодиётида ижобий ўзгаришлар юз берди. Собиқ иттифоқнинг тарқалиб кетиши ҳамдўстлик давлатларининг ташқи савдо алоқаларини тезкорлик билан шакллантириш, манфаатли ва кўнгилли савдо режимига эришиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширишларини ҳаётий заруратга айлантирди.

Айни шу даврда янги ахборот технологияларининг жорий этилиши, электрон тижорат ва савдо-сотиқдаги ўзаро тўловларнинг ўзгариши ташқи савдо алоқаларининг янада мураккаб тус олишига сабаб бўлди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш билан бирга савдога алоқадор тадбирларни тартибга солиш, трансмиллий компанияларни ташкил этиш, инвестиция ва савдо ўртасидаги боғлиқликка эътибор янада кучайди.

Жаҳон иқтисодиётида рўй берган таркибий ўзгаришлар халқаро савдодаги қуйидаги йўналишларда ўз аксини топди ва давлатларнинг иқтисодий ривожланишида номутаносибликнинг кучайишига сабаб бўлди.

Биринчидан, саноати ривожланган давлатларнинг халқаро савдодаги улушлари сақланиб қолди. Иқтисодий-ижтимоий ҳамкорлик ва Ривожланиш ташкилотига аъзо давлатлар гуруҳи жаҳон товарлар экспортининг қарийб 70 фоизидан ортиқроғини ташкил этди.

Иккинчидан, ривожланган давлатлар ўз ҳамкорлари кўламини кенгайтириш сари йўл тутдилар.

Учинчидан, ривожланаётган давлатларнинг халқаро савдодаги улуши 28 фоизга тенг бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро савдо 7 фоизни ташкил этди.

Тўртинчидан, ўтиш давридаги давлатлар ўртасидаги ўзаро савдо улуши сўнгги 10 йил мобайнида пасая борди.

Бешинчидан, жаҳон савдосида Хитой Халқ Республикасининг улуши ва таъсири орта борди. Фақат 2000 — 2002-йиллар мобайнида ХХР товар экспорти 30 фоизга кўпайди. ХХР жаҳондаги йирик экспортчи мамлакат сифатида 2003 йилга келиб 5-ўринга чиқиб олди ва ЖСТнинг доимий аъзоси сифатида халқаро савдода катта мавқега эга бўлди.

Бундан ташқари, ХХР хорижий инвестицияларни жалб этиш, иқтисодий ҳудудларни кўпайтириш ва кенгайтириш, юқори технологиялар асосида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирига чиқди. Йиллик иқтисодий ўсиш, иш билан бандлик, инвестицияларни ўзлаштириш суръатлари бўйича Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари ичида биринчи ўринни эгаллади.

Олтинчидан, жаҳон савдосида давлатлар ўртасида экспортга кўмак кўрсатиш, импорт чекловларини камайтиришда ЖСТ ва халқаро савдо бўйича музокаралар, судларнинг фаолияти жадаллашди. Сўнгги 15 йил ичида АҚШ, ЕИ давлатлари, Лотин Америкасидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилувчи давлатлар товарларга бўйича квота ва таърифларни камайтиришга доир музокаралар олиб борди. Ташқи сиёсатда «савдо жанглари» деб ном олган ушбу можаролар ўта жиддий манфаатлар тўқнашуви, жарималар ундириш воситасида ҳал этилди.

Жаҳон савдосининг географик таркибий тузилиши билан бир қаторда, товар туркуми бўйича ҳам сифат ўзгаришлари юзага келди. Жаҳон экспортида саноат маҳсулотлари 1990 — 2000-йиллар мобайнида 70,5 фоиздан 74,9 фоизга ортди. Бунга қайта ишлаш саноатига янги технологияларни киритиш, асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш муддатларининг пасайиши, алоқа ва телекоммуникация соҳаларининг илдам ривожи билан эришилди. Саноати ривожланган давлатларда энергияни тежовчи технологиялар, тежамкорликка асосланган ишлаб чиқариш кенгайиши туфайли ёқилғи-энергетика ресурслари савдоси бир қадар сусайди. Жаҳон товар экспортида озиқ-овқат маҳсулотлари улуши пасайиб борди (ҳозирги кунда 9 фоизга тенг). Хизмат кўрсатиш бозори қўлами янги хизматлар ҳисобига изчил ошди.

Хуллас, ҳозирги пайтда жаҳон савдосидаги йирик ўзгаришлар экспорт ва импорт операцияларини ташкил этиш тартиби, шаклларига бевосита таъсир этиб, ҳар бир давлатнинг иқтисодий имконияти ва салоҳиятини белгилашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Бахтиёр ҚАДАБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

Юракда битилгай ватан сурати

(Давоми. Боши 1-бетда)

Орадан 14 йил ўтди. Бу давр ичида жуда кўп ўзгаришлар юз берди. Касбим қурувчи бўлгани учун юртимизнинг турли гўшаларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини қизиқиш билан кузатаман. Осмонўпар бинолар, текис ва равон йўллар қуриляпти. Йўллар элларни элларга, дилларни дилларга боғловчи риштаси. Йўл қурмоқ эса бағоят савоб иш дея бежизга айтилмаган.

Шарқона услубда қурилаётган бинолар, замонавий иншоотлар, қайта кўрк ва чирой очаётган, таъмирланаётган меъморий обидаларни жаҳон сайёҳларини ўзига ром этадиган гўзал ва бетакрор бинолар — барчабарчаси мустақиллик шарофатидандир. Ҳаётимдаги яна бир унутилмас, мустақилликка шукрона келтиришимга сабаб бўлган воқеа — набирам Шухратжоннинг давлат гранти асосида хорижда таҳсил олиб қайтгани бўлди. Ҳозирда у нуфузли ташкилотлардан бирида ўз олган билимларини амалиётга қўллаб халқимизга, давлатимизга хизмат қилмоқда.

Кундан кунга кўркамлашиб, чирой очиб бораётган юртимизга ҳеч қачон кўз тегмасин. Ватанимиз обод, ҳаётимиз фаровон, халқимиз омон бўлсин!

БАЙРАМЛАРИ СЕРОБ ЮРТ

Марина КРАВЧЕНКО, украин: — Ўзбекистонда бир-биридан ажойиб, такрорланмас байрамлар кўп. Шулардан энг азиз ва энг улуғи Мустақиллик байрамидир. Бу айёмнинг нақадар улуғлиги, бир қарашда, юртдошларимизнинг юз-кўзидан ҳам сезилади. Мустақиллик бу — эркинлик, фикр-ўйларингни бемалол айтиш, озод меҳнат қилиб фаровон яшаш ҳуқуқидир. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси — етти яшар болакайдан етмиш яшар қарияларгача ўзини шу юрт фарзанди деб, ҳис этишини, уларга илм олиши, меҳнат қилиши учун барча имкониятлар яратилганини кўриб ҳавасим келади.

Тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келин бўлиб тушдим. Бу ернинг соддадил, самимий, меҳнаткаш, очиқ кўнгил одамларини бир кўрганимданоқ ёқтириб қолганман. Келинчакларнинг эрта тонгда дарвозани очиб, атрофга сув сепиб, супуриб-сидириб ҳаммаёқни кўркам қилиб қўйишларини кўриб завқим келарди. Кейинчалик ўзим ҳам шунга одатландим. Саранжом-саришта жойга ризқ-барака келишини тушуниб етдим. Тўй-томошалардаги тўкин-сочинлик, яхши-ёмон кунларда бир-бирларига суянч, елкадош бўлишдек фазилатлар ғоят улуғ қадриятдир. Бу ернинг табиати ва ери ҳам шунчалар саховатлики, оддий чўпни суқсангиз ҳам япроқ ёзади. Гулни ниҳоятда севганим сабабли турмуш ўртоғим менга гулхона қилиб берган. Қишинёзин гулнинг 500 дан ортиқ навларини етиштириб, одамларга тортиқ қиламан. Кишилар доимо яхши кунларида, унутилмас тантаналарда, тўю-байрамларда бир-бирларига гул ҳадя қилишади. Мен уларнинг яхши кунларига шерик бўлаётганимдан бахтиёрман. Ҳеч ким, ҳеч қачон ғам кўрмасин, фақат бир-бирига табассум ила гул улашсин. Мустақиллик куни барчага муборак бўлсин!

Ҳидоят ЖЎРАЕВА тайёрлади.

Ҳориж хабарлари

Навбатдаги авиаҳалокат

Индонезиянинг Mandala Airlines авиакомпаниясига тегишли «Boing-737» самолёти ҳалокатга учради. Мамлакат пойтахти Жакартадан ҳавога кўтарилган ҳаво лайнери Медана шаҳрида қулаб тушган. Рейтер ахборот агентлиги хабарига қараганда, самолёт бортида 117 киши бўлиб, улардан бор-йўғи беш нафари омон қолган. Mandala Airlines раҳбари Асрил Танжунгнинг таъкидлашича, ҳозирча самолёт ҳалокатига нима сабаб бўлгани маълум эмас. Бироқ, фожиа техник носозлик ёки ноқулай об-ҳаво шароити туфайли содир бўлгани тахмин қилинмоқда. Мазкур ҳаво кемасининг қулаши натижасида шаҳар ҳудудида яна 47 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмган. Шунингдек, турар-жойларга ҳам жиддий зарар етган.

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, шу йил бошидан буён ушбу «Boing-737» русумидаги самолётлар уч марта авиаҳалокатга учраган. Жами 227 нафар йўловчилар ҳалок бўлган.

Умуман ўтган 10 йил мобайнида «Boing-737» самолётларининг 16 таси турли сабабларга кўра ҳалокат билан юзма-юз келган. Бунинг оқибатида мингга яқин одам ҳаёт билан видолашган.

Юқумли касаллик

Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатида юқумли энцефалит хасталиги туфайли шу йилнинг июль ойида салкам 500 киши дунёдан кўз юмди. Аммо маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, қурбонлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Негаки, штатнинг айрим чекка ҳудудларидаги вазиятга оид маълумотлар ҳали тўпланмаган.

Хасталик асосан 15 ёшгача бўлган болаларда кўп учрамоқда. Сўнгги уч куннинг ўзида Горакхур округи шифохоналарида саккиз нафар бола нобуд бўлди. Айни пайтда маҳаллий шифокорлар ушбу хасталикка чалинган 700 нафар боланинг ҳаётини сақлаб қолиш учун курашаяпти.

Мутахассисларнинг айтишича, штатга дарҳол қўшимча 7,5 миллион дона вакцина олиб келиниши керак. Акс ҳолда, хасталик янада кенг қулоч ёйиши мумкин.

Японияда тўфон

Японияда табиий офат юз бермоқда. Мамлакат метеорологлари «Наби» тўфони яқинлашиб келаётгани ҳақида маълум қилганди. Шу боис бош вазир Жуиньитиро Коидзуми ҳузурида қутқарув гуруҳларидан иборат штаб тузилган. Шунингдек, беш юздан ортиқ авиақатнов бекор қилиниб, темир йўл вокзаллари ёпиб қўйилди.

Маълумотларга кўра, «Наби» ҳозир Кюсю оролига етиб келган. Унинг мамлакат бўйлаб ёйилиши тахмин қилинаётир. Дастлабки хабарларга қараганда, Кюсю оролида содир бўлган тўфон оқибатида ўнга яқин инсон ҳалок бўлди. Кучли шамол 300 дан зиёд хонадонни электр таъминотидан узган, яна 30 минг турар-жойга зарар етган.

Якшанба кунидан бошлаб Японияннинг деярли барча ҳудудларида кучли ёмғир ёғиб, секундига 25 метр тезликда шамол эсмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, тўфон мамлакатнинг шимоли-шарқий ҳудудлари бўйлаб ҳаракатланмоқда. У тез орада Хаккайдо оролини ҳам жунбишга келтириши эҳтимолдан йироқ эмас. Шу боис Хаккайдо, Кюсю, Окинава ороллари ва бошқа ҳудуд аҳолиси зудлик билан хавфсиз ерларга кўчирилмоқда.

«Наби» тўфонини АҚШга катта ташвиш келтирган «Катрина»га қиёслаш мумкин. У ҳатто икки баробар кенгроқ майдонни қамраб олиши тахмин қилинмоқда. Мексика кўрфази қирғоқларини вайрон қилган «Катрина» 902 гектопаскал босим билан секундига 60 метр тезликда ҳаракатланган бўлса, «Наби»нинг тезлиги секундига 50 метргача етиб, босими 925 гектопаскални ташкил қилаётган экан.

Японияда бу каби даҳшатли тўфон 1993 йил сентябрдан буён кузатилмаганди.

МЕҲМОН КЕЛСА ЭШИКДАН...

ёхуд асл ўзбекона фазилат хусусида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Меҳмонлар таом еб бўлиб, қўл ювганларидан кейин атир ва гулоб келтириб, ўтиришни муаттар қил, чунки улар яхши номингни чиқарадилар. Ўтиришга ширинлик ва меваларни кўп келтиргил ва хушовоз ҳофизлар ва созандаларни чорлагин. Меҳмонлар куй ва мақом эшитсалар, хушҳол бўладилар...

Меҳмоннинг қадами қутлуғ, дейди доно халқимиз. Келинг, бунинг далили сифатида яна бир ҳикоятга қулоқ тутайлик.

Мўътабар бир кишининг ўғли вояга етгач, уйлантириш ташвишида ота уни олдига чақирибди.

— Бошингни жуфт қилиш вақти келди, ўғлим, ўйлаб кўр. Онанг билан кўзимиз очиқ пайти уйли-жойли бўл. Биз ҳам орзу билан невара суйсак, дейміз.

Ўғил одоб билан:

— Ҳали ёшман, бир оз ишлай, кейин бир гап бўлар, — дебди.

— Ўғлим, — аралашибди сўзга онаси, — сен тенгилар бир-икки болалик бўлди. Бирорта қизни кўзинг тагига олиб юрган бўлсанг айт, уялма.

Анча сукутдан сўнг ўғил қизариб: фалончининг қизи қандоғ экан, деган маънода гап қилибди. Ота ўғли тилга олган оилани кўз олдига келтириб, бир зум ўйланиб қолибди. Чунки бу оила ҳеч ким билан борди-келди қилмас экан. «Қандоғ бўлади, ҳа майли, ўғлимнинг сазаси ўлмасин, эҳтимол қизи яхшидир. Қиз эшигига қирқ киши боради, бир киши олади, деганлар-ку», дея ўйлаб ўғлига:

— Майли, жуда яхши танлабсан, — дебди.

Қизнинг ота-онаси совчиларга шундай жавоб қилишибди:

— Сизникига жуда кўп меҳмон келади. Қизимизнинг меҳмонга сира ҳам раъйи йўқ.

Совчилар тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтишибди. Ўғил эса:

— Шундан бошқасига уйланмайман, — дебди қатъий.

Начора, ота-она такрор-такрор қатнайвергач, қизнинг ота-онаси:

— Ё меҳмон, ё қиз!.. — деб шарт қўйишибди.

Бу шарт ҳам қабул этилиб, алқисса, йигит билан қиз турмуш қуришибди. «Иноқ оилада бешик бўш турмас», деганларидай улар болачақали ҳам бўлишибди.

Кунлардан бир кун, кеч маҳал ғойибдан бир меҳмон келиб йигит эшигини қоқибди. Хотини билан кенгашай деган мақсадда мусофирни эшик олдида қолдириб, йигит ичкарига кирибди.

— Неча киши? — сўрабди хотини йигитдан.

— Бир киши.

— Бир киши бўлса майли, — дебди келин.

Йигит меҳмонга киринг дегач, «Салом», «Салом» деган икки кишининг овози эшитилибди.

— Бир киши деб мени алдадингиз, икки киши экан-ку, — дея хархаша қилибди хотин.

Йигит эса:

— Йўқ, алдаганим йўқ, меҳмон бир киши, — дебди ташвишланиб.

Воқеанинг қизиғи эрталаб содир бўлибди: уйдан уч кишининг «Хайр», «Хайр», «Хайр» деб хайрлашиб чиқиб кетганини ўз қулоғи билан эшитган хотин шовқин кўтарибди:

— Бу энди ҳаммасидан ўтиб тушди. Бир киши дедингиз, икки киши кирди, эрталаб ана уч киши чиқиб кетди. Кеча уйқуга кетганимдан сўнг яна бир меҳмонни таклиф қилибсиз-да! Шартни буздингиз, энди ажраламан, вассалом!

Меҳмоннинг чиндан ҳам бир киши эканини хотинига ҳеч уқтира олмаган йигит хотини билан қозига боришга мажбур бўлди.

Уларнинг арзини тинглаган қози бир йигитга, бир қизга қарабди-да:

— Икковингизнинг ҳам гапингиз чин болаларим, — дебди. — Келган меҳмон ҳақиқатдан ҳам бир киши бўлган. Кечқурун унга эргашиб кирган РИЗҚ.

— Эрталаб чиқиб кетгани-чи? — деб ҳовлиқканча сўрабди хотин.

— ОФАТ, — дебди қози. Меҳмон ризқи билан келиб, хонадондан офатни олиб кетибди.

Нуроний қозининг сўзларидан ҳайратга тушган хотин эри билан ғижиллашганига пушаймон бўлибди, бундан кейин уйларига қанча меҳмон келса ҳам астойдил хизмат қилишга аҳд этибди.

Хулоса шуки, яхши меҳмон келса қучоғингизни кенгроқ очинг. Қадамларига ҳасанот айтинг. Иззат қилинг. Меҳр-мурувватни баланд тутинг. Айтилган сўз-мулоҳазалар сўнггида атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ўзбекона одамгарчилик, самимий меҳмоннавозлик ҳақидаги ушбу шеърини яна бир бор ўқишни лозим топдик:

Эй, йўловчи, бўлақол қўноқ,
Уйда борин кўрамиз баҳам.
Тағин ўзинг биласан, бироқ,
Қош қорайди, йироқдир йўл ҳам.
Йўлчи қолар овулда, мезбон
Келтиради топган-тутганни.
Отамлашар сўнгра икковлон,
Ёдга олиб ўтган-кетганни.
Ҳорғин йўлчи мудрар ичиб чой,
Чўзилади мезбон ҳам аста.
Тонгда йўлчи товуш қилар: — Ҳой,
Мен кетдим. — Қол! — Раҳмат.
Шу бас-да!
Ажралишлар, улар ҳаттоки,
Исмларин сўрашмаслар ҳам.
Улар қайта учрашар балки,
Балки қайта учрашмаслар ҳам...

Дилмурод ЖАББОР,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

✓ *Қадриятларимиз*

ОТА ҲУЗУРИДАГИ ҲИСОБОТ

Инсон умрини оқар дарёга қиёслашади. Ҳақиқатдан ҳам баҳорда ҳайқириб тошиб, ёзнинг чилласида саёз тортиб, бироқ ҳаракатдан тўхтамаган дарё кўп жиҳатлари билан одам ҳаётининг бирида қувончли, бирида ташвишли кечадиган умр долғаларини ёдга солади. Бу йил таваллуд топганининг олтмишинчи йилини кутиб олаётган Жиззах политехника институти кафедра мудири, профессор Омон Ҳамроқулов яна бир қутлуғ санага шоҳид бўлиб турибди — падари бузруквори Ҳамроқул ҳожи Раҳматуллаев роппа-роса 90 ёшга тўлдилар.

Кўзлари бироз хира тортган бўлса-да, хотираси тиниқ Ҳамроқул ота ўтган кунларни чуқур бир ҳўрсиниш билан ёдга олди.

— Инсоният бошига оғир фожиалар келтирган уруш тугаганини эшитиб, хурсанд бўлиб турганимизда онасининг кўзи ёриди, — дейди ҳожи ота. — У пайтлари ҳозиргидай туғуруқхоналар қаёқда дейсиз. Янги туғилган гўдакни йўргаклаб олганлари кечагидай кўз олдимда. Биз қатори муаллимлар ҳукумат қарори билан урушга жўнатилмади, лекин жанг кўрмаган бўлсак-да, қанчадан-қанча қариндошларимиз, қадрдонларимиз бу урушдан жабр чекканини ўз кўзимиз билан кўрдик. Тўнғич фарзандим Муҳаббат уч ёшга тўлганда Яратган бизга ўғил берди. Уруш тугагани, омонлик бўлгани рост бўлсин, деган ниятда ўғлимизга Омон дея исм қўйдик.

Ҳамроқуловлар хонадонида урушдан кейин яна беш ўғил, икки қиз дунёга келди. Қатта ўғил укаларига бош бўлиб, оиланинг таянчига айланди. Бугун Омон ака Ҳамроқулов олтмиш ёшни қоралаган бўлса-да, ҳамон падари бузруквори қошида таъзимда, унинг олдида ҳисоб беришни канда қилмайди, буни фарзандлик бурчи ҳисоблайди. Чунки муаллим оиласида тарбия кўрган бу инсон бошқалардан меҳр-оқибатни талаб қилишдан аввал бу борада ўзи намуна бўлиши зарурлигини яхши тушунади.

Отага ҳурмат, унинг олдида ўзини бурчли ҳис қилиш миллатимизнинг турмуш тарзига сингиб кетган бебаҳо қадриятдир. Шу маънода Омон Ҳамроқулов Тошкент политехника институтида ўқиб юрган кезларида ҳам, ҳарбий хизматдан сўнг институтни имтиёзли диплом билан битириб узоқ йиллар илмий педагогик фаолият билан машғул бўлган пайтларда ҳам отасининг панд-насиҳатига, йўл-йўриғига қулоқ тутишни унутмади. Изланувчан йигит техника фанлари номзоди диссертациясини Молдова пойтахти — Кишиневда ҳимоя қилди. 90-йилларда Иорданиянинг Ирбит университети, кейинчалик Деҳлидаги илмий муассасалар билан кадрлар тайёрлаш борасида ҳамкорликни йўлга қўйди.

— Мутахассисларимиз жаҳондаги энг илғор тажрибаларни эгалласалар, янги технологияларни ишлаб чиқишга татбиқ этишга интиладилар, — дейди Омон ака.

Булар ҳақида гапириб бераркан ҳожи ота ўғлини узундан-узоқ дуо қилади. «Эл-юрт учун жон куйдирсанг ҳеч ҳам кам бўлмайсан», дея ўгит беради. Омон ака ота ўгитларига амал қилиб, эл назарига тушди. Турмуш ўртоғи Раъно Ҳамроқулова ҳам кўп йиллардан буён Жиззах политехника институти олий математика кафедрасида дарс беради. Бу ибратли оила бағрида ўсаётган фарзандлар ҳам авлодларига муносиб бўлиб камол топаётир.

Шуҳрат ЖАББОРОВ

✓ *Қилмиш-қидирмиш*

"НАФСИМ МЕНИНГ БАЛОДИР..."

Халқимизда: "Нафсим менинг балодир, ўтдан ўтга соладир", деган нақл бор. Нафс балосига мубтало бўлганлар нафақат ўзларининг, балки яқинларининг ҳам юзини ерга қаратадилар. Айниқса, масъул вазифадаги шахслар қинғир ишларга қўл уришса, уят-андиша юки икки карра ортиб кетади.

Кегайлилик Медет Отарбаевни не бир умидлар билан "Кегайли қўрғони" фуқаролар йиғининг 4-ҳудуд кенгашига раҳбар этиб сайлашганди. Бироқ Медетбой лавозимга ўтирдию айниқолди. Масъул вазифани сидқидилдан адо этиш ўрнига, у қандай қилиб бўлса-да, ўз нафсини қондириш усулларини қидира бошлади.

Дастлаб у "Халқ банки"нинг туман филиалига қарашли 20-шохобча кассири Қўнгиспай Сапаров ҳамда турмуш ўртоғи Ариухан Қадировани "ҳамкорлик"ка жалб этди.

— Пул чиқадиган иш бор, — деди уларга сирли илжайиб.

— Қанақа иш экан?

— Ҳозир биласизлар, — дедию тушунтира кетди.

Туман марказида, Жийен жирау кўчаси, 12-уйда истиқомат қилувчи Клара Аметованинг 2 ёшга тўлмаган, 2004 йил 22 март куни туғилган Ўғилжон исмли қизи учун қалбаки ҳужжатлар тўғрилаб, нафақа пули олиш мумкин экан. Пул ўлсин-а, текин даромад олиш истаги Медетнинг шерикларига мойдай ёқиб тушди шекилли, тезда ишга киришиб кетишди. Айниқса, Медетнинг турмуш ўртоғи жонбозлик кўрсатди: ўз қўли билан ариза ёзиб, қалбаки ҳужжатни тайёр қилди. Ишлар юришгандан юришиб, ҳамтовоқлар сохта ҳужжатлар билан 2004 йил декабрь ойида Клара Аметова номига ёзилган 26120 сўмни, 2005 йил январь ойида 13060 сўмни, февраль ойида ҳам шунча маблағни ўмариб чўнтакка урдилар. Пулни олганлик ҳақидаги ҳужжатга банк шохобчасининг кассири Қўнгиспай Сапаров имзо чекаверди.

Иштаҳа овқат маҳали очилади, деганларидек, ҳеч ким мушугини "пишт" демагач, ҳамтовоқлар жиноий қилмишлари қўламини кенгайтириб, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрда қабул қилинган "Ёш ўсмир болалари бор оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларининг қўпол равишда бузишга уриндилар. Сапура Муптуллаева номига 13060 сўм, Динара Бердахова номига 20542 сўм, Ақназар Шерназаров номига 15672 сўм, жами 149515 сўмни "туя кўрдингми — йўқ" ўзлаштириб юборишди. Кам таъминланган оилаларга тегишли каттагина миқдордаги пуллар ҳам муттаҳамлар томоғидан силиққина ўтиб кетди. Уччала жиноятчи қисқа фурсатда 281 минг 740 сўмни ўмаришга улгуришди. Бироқ, кўза кўнда эмас, кунида синади, дейдилар. Нафс бандалари Жиноят Кодексининг 167-моддасига биноан тегишли жазоларини олишди.

Афсуски, жиноятга жазо муқаррарлигини айрим солиқчилар ҳам унутиб қўйиши ғоят ачинарли ҳол. Ахир, солиқ идораси ходимлари зиммасига катта масъулият юкланган. Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратурасининг иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши кураш бўлими томонидан кўзғатилган бир жиноий иш айрим "учар" солиқчилар учун сабоқ бўлса, ажабмас.

Маҳмуд Ералиев туман солиқ идорасига бош назоратчи этиб тайинлангач, ҳаловатини йўқотиб қўйди. "Қаерда, кимдан қанча ундирсам экан?" деган савол унга тинчлик бермай қўйди. Кунларнинг бирида унинг назари Нукус шаҳри "Қумвул" қўрғони, А.Аблатов кўчасида истиқомат қилувчи тадбиркор Гулпаршин Қарабалаевага тушиб қолди. Дарҳол уни ёнига чақиртирди.

— Сиз савдо-сотиқ қилиш учун рухсатнома олмагансиз, — деди атайин юзига жиддий тус бериб, — аммо савдо билан шуғулланиб юрибсиз. Агар хоҳласам ҳозироқ сизни жазолайман, хоҳласам кечираман. Фақат...

— Хўш, айтаверинг, — сўради аёл.

Бош назоратчи жилмайди:

— Сиз ҳар ой 30 минг сўм, яна 4 та улфатимни кафега олиб кириш харажатини кўтариб туришингиз керак...

Шу йилнинг 5 май куни 30 минг сўмни қуртдай санаб олаётганида, прокуратура ходимлари бош назоратчини қўлга олишди. Кегайли туманида мазкур иш бўйича бўлиб ўтган суд жараёнида Маҳмуд Ералиев тегишли жазосини олди. Ҳаромдан ҳазар қилиб яшашни билмаганларнинг охир-оқибат нафс балосига йўлиқиши яна бир бор ўз исботини топди.

Болтабой ЭРНАФАСОВ

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

ТАФСИЛОТ, ТАҲЛИЛ, ХУЛОСА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Муҳим учрашувни футболчиларимиз кўнгилдагидек бошлади. Илк дақиқаданоқ Баҳрайн дарвозаси томон кескин ҳужумлар уюштирилди. Ҳужумкор ўйин ўз самарасини узоқ куттирмади. 11-дақиқада Миржалол Қосимов Анвар Солиев узатган тўпни Али Ҳасан қўриқлаётган дарвозага аниқ йўллаб, ҳисобни очди. Голдан руҳланган йигитларимиз ҳужумга янада зўр берди. Беллашувнинг кулминацион нуқтаси — 38-дақиқага бориб юз берди. Максим Шацкихнинг боши билан берган зарбасини баҳрайнлик ҳимоячи қўлда қайтарди. Учрашувни бошқарган япониялик ҳакам Тошимицу Йошида ҳимоячини жазоламаган бўлса-да, ҳар ҳолда 11 метрлик белгини кўрсатди. Сервер Жепаров, одатдагидек, пенальтини аниқ бажарди.

Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Т. Йошида пенальти тепилаётган пайт Темур Копадзе жарима майдончаси ичига кирганини билдириб, пенальтини қайта амалга оширишни сўради. Шу пайт баҳрайнликлар ҳакамни қуршаб олиб, унга ўз нуқтаи назарларини тушунтиришга ҳаракат қилишди. Довдираб қолган Т. Йошида фикрини ўзгартириб, меҳмонлар эркин зарба билан ўйинни давом эттиришини маълум қилди. Бундан баҳрайнликлар унумли фойдаланиб, тўпни тепиб юборди. Ҳакамнинг ҳеч қайси қоидага тўғри келмайдиган бу қарори барчани карахт қилиб қўйди.

Қоида бўйича пенальти тепилаётганида футболчининг жамоадоши жарима майдончасига кирса, тўп дарвозадан жой олган бўлса, пенальти қайтадан ижро этилишини оддий футбол мухлиси ҳам биларди. Бу паллада Сервер Жепаровнинг зарбаси дарвоза тўридан жой олганди. Япониялик ҳакам на пенальтини қайта тепишга ижозат берди, на голни ҳисобга олди. Мутахассисларнинг фикрича, агар гол бўлмаган тақдирда Йошиданинг қарорини тўғри деб топиш мумкин экан.

Т. Йошиданинг саводсиз қарори Ўзбекистон терма жамоаси руҳиятига салбий таъсир қилди. Биринчи бўлимда тинмай ҳужум уюштирган йигитларимиз ўйиннинг иккинчи ярмини ҳимояда ўтказишга мажбур бўлди. Устига-устақ ҳакам иккинчи бўлимда ҳам хатоларга йўл қўя бошлади. Учрашув 1:0 ҳисобида бизнинг фойдамизга якунланди.

Учрашув якунланиши билан Ўзбекистон футбол федерацияси (ЎФФ) мутасаддилари Халқаро футбол уюшмалари федерацияси (ФИФА) ҳамда Осиё футбол конфедерациясига (ОФК) шикоят хатини йўллади. Чунки ҳакам техник хатога йўл қўйса, яъни белгиланган қоидани ўзи бузган тақдирда норозилик хати битилиши мумкин. Жаҳон футболи мутасаддиларига ўйин ҳақида ва японияликлар ҳакамнинг савиясизлигини исботловчи барча маълумотларни етказган ЎФФ мазкур учрашувда Баҳрайн терма жамоасига 3:0 ҳисобида техник мағлубият ёзиб, 7 сентябрда Манамада бўладиган жавоб ўйинига хитойлик ҳакамлар ўрнига Европадан ҳакамлар бригадаси тайинланишини сўради.

Бироқ ФИФАнинг Жаҳон чемпионатини ўтказиш ижроия қўмитаси бюроси футбол тарихида кузатилмаган ҳолат юзасидан жаҳон чемпионатлари ўтмишида кўрилмаган қарор чиқарди. ФИФА шу кунгача ҳакамнинг хатоси туфайли ўйинни қайта ўтказмаган. Бу гал Жаҳон чемпионати ижроқўми бюроси Тошкентда бўлган учрашув натижаси бекор қилиниб, терма жамоалар 8 октябрь куни Тошкентда ва 12 октябрда Манамада куч синашиши тўғрисида қарор чиқарди. Вазиятнинг бундай тус олиши ЎФФ ва Ўзбекистон миллий терма жамоасини умуман қониқтирмайди. Бу қарор мутахассислар томонидан «японияликлар ҳакам пенальтидан киритилган голни инобатга олмаган бўлса, ФИФА Миржалол Қосимовнинг ҳақиқий голини бекор қилди», деб изоҳланмоқда.

Дунё бўйлаб кўплаб мутахассис ва мухлисларни ҳайрон қолдирган мазкур қарорни сўнгги сўз деб қабул қилишга ҳали эрта. Ўзбекистон футбол федерацияси бу масала бўйича ФИФА раҳбарияти билан музокаралар олиб бориш ниятида. ЎФФ мутасаддилари қайтадан ўтказиладиган ўйинни 38-дақиқадан, пенальти тепиш жараёнидан бошлаш нисбатан адолатли бўлишини таъкидламоқда.

Хорижий оммавий ахборот воситалари ФИФАнинг қарори Баҳрайн терма жамоасига маъқул келгани ҳақида бонг урмоқда. Айрим манбаларга кўра, Баҳрайн футболи мутасаддиларидан бири ФИФА қарори айни муддао бўлгани ва октябрь ойигача терма жамоанинг жароҳат олган етакчи ўйинчилари сафга қайтишига умид билдирган.

Ҳозир барча мухлису мутахассислар ФИФА қарорининг салбий ва ижобий томонларини таҳлил қилиш билан банд. Биринчи ўйин натижаси бекор қилинишининг Ўзбекистон терма жамоасига салбий таъсири қуйидагича. Футболчиларимиз кичик ҳисобда бўлса ҳам қозонилган ғалабадан маҳрум бўлди. Агар ФИФА ўз фикрини ўзгартирмаса ўйин яна бошидан — 0:0 ҳисобидан бошланади. Бу Баҳрайн терма жамоасига яна бир имконият бериш деганидир.

Бундан ташқари, ҳар икки терма жамоа футболчиларининг 3 сентябрь кунги ўйини ҳавога совурилди. Ўзбекистон терма жамоаси Баҳрайнга бориб, яна ортга қайтишга мажбур бўлди. Бу паллада футболчилар анчагина вақт йўқотди, асабийлашди. Албатта, бу ҳолатлар ўз таъсирини кўрсатади.

Яна бир хавотирли томони шундаки, октябрь ойига бориб терма жамоамиз аъзолари жароҳат олиши, толиқиб қолиши ва жисмоний формасини йўқотиб қўйиши мумкин. Қолаверса, яна чемпионат ўйинлари тақвимини ўзгартириш, Россия ва Украинада ўйнайдиган легионерларимизни чақириш учун ўқув-машғулот йиғинларини мазкур давлатлар чемпионатлари билан мувофиқлаштиришга тўғри келади.

Энг даҳшатлиси эса, баҳрайнликлар гол уриб қўйса ёки ўзимиз мўлжаллаган йирик ҳисобдаги ғалабага эришолмасак ҳамма ҳаракатларимиз зое кетади.

Осиёдаги плей-оффнинг муддати ўзгартирилиши Ўзбекистон терма жамоасининг кейинги босқичга мўлжалланган ўқув-машғулот йиғинларига ҳам таъсир қилмоқда. Терма жамоамизнинг Баҳрайн тўсиғидан ўтишига ишонган ЎФФ раҳбарияти Шимолий ва Марказий Америка КОНКАКАФ минтақасида 4-ўринни эгаллайдиган жамоа билан ўйинга октябрь ойида тадорик кўришни режалаштирганди. Маълумотларга қараганда, мазкур минтақадаги терма жамоалар билан ўртоқлик учрашувини ташкил қилиш учун ҳаракат бор эди. Энди вақт тиғизлиги боис бу режалар амалга ошмайди.

Бу танганинг бир томони. Бироқ, ФИФА қарорининг ижобий томонлари ҳам кам эмас. Агар ЎФФ раҳбарияти жаҳон футболи мутасаддиларини учрашувни 38-дақиқа — пенальти тепилишидан бошлашга кўндирса нур устига аъло нур бўлади. Бу масала бир қарашда анча мураккаб кўринса-да, ЎФФ охиригача курашмоқчи.

ФИФА қарорида қатъий туриб олганида ҳам Ўзбекистон терма жамоаси ўз майдонида ҳар қандай рақибни енгишга қодир. Бу гал баҳрайнликлар 1:0 дан каттароқ ҳисобда енгилиши мумкин. Қолаверса, жароҳат олган Александр Гейнрих, Элдор Магдеев, Леонид Кошелев каби етакчи футболчилар ҳам сафга қўшилади. Тайёргарлик кўриш учун вақт етарли бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳали Ўзбекистон—Баҳрайн масаласи тўлалигача ҳал бўлгани йўқ. ФИФА мазкур учрашув юзасидан мантиқсиз қарор қабул қилган экан, яна вазият ўзгариши, бошқа қарорлар чиқишини ҳам кутса бўлади. Лекин ҳар қандай вазиятда кейинги босқичга чиқиш масаласини Миржалол Қосимов бошлиқ Ўзбекистон миллий терма жамоаси футболчилари ҳал қилади. Чунки ким қандай қарор чиқаришидан қатъи назар, майдонда 11 нафар футболчимиз тўп суради. Омад сизга, йигитлар!

Боҳир БЕК

"VATAN-MEDIA" МЧЖ "VATAN- MEDIA" шўъба корхонасига айлантирилмоқда. Манзил: Гофур Ғулом кўчаси, 1-уй.

"DIF-SERVIS" МЧЖ устав фонди 79453841 сўмдан 73500000 сўмга камаяди. Манзил: Тошкентбоева кўчаси, 2-уй.

Паркент туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1998 йилда Додоев Имомхўжа номига берилган О"R-D-622759 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар:
Қабулхона-136-53-14.
Факс: (8.371) 133-41-89.
Сиёсат ва партия ҳаёти бўлими-136-54-39.
Хатлар бўлими - 136-55-64.
Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими -136-55-64.
Иқтисодиёт ва саноат бўлими - 136-54-39.
Маркетинг ва реклама бўлими - 136-55-96.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатдан олинган.
Буюртма Г— 600. Ҳажми—2 табоқ.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Навбатчи муҳаррир — Б.ТОШНАЗАРОВ
Навбатчи — Н.ҲАЙДАРОВ
Саҳифаловчи — Ж. ЖАББОРОВ

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти — 20.00
Босишга топширилди —

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. t — мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади.